

UDK:633.1 «324»:632.7.74-632.7.04.71/79/Т

БУҒДОЙ ТРИПСИГА ҚАРШИ ОЛТИНКЎЗ ЭНТОМАФАГИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Абдиллаев Марат Ибодиллаевич, Тоштемиров Аминжон Тоштемирович,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти. Сатторов Қудрат
Норкул ўғли Тошкент давлат аграр университети ассисенти

Abstract. *The article presents the effectiveness of the beneficial entomaphagous *Chrysopa carnea* Steph insect used against the *Haplothrips tritici* Kurd, which damages spiked cereal crops.*

Key words; *wheat, *Chrysopa carnea* Steph, *Haplothrips tritici*, insect, effectiveness, entomophagus, pest, crop.*

Кириш. Донли экинлар жаҳонда ва республикамизда экин майдони жиҳатидан биринчи ўрини эгаллайди. Бугунги кунда аҳолининг буғдой унига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасини 2020-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Президент Фармонинг ижросини таъминлаш, хусусан давлат буюуртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорликни таъминлашга қаратилган қулай агробизнес муҳити яратилмоқда.

Бошоқли дон экинларига бир қатор зараркунандалар жиддий зарар етказди ва уларнинг ҳосилдорлигига ва сифатига катта зиён етказди. Шу сабабли ҳозирги асосий масала кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил олиш мақсадида унинг зараркунандаларига қарши самарали кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг энг келажаги истиқболли усули биоценотик ёндош ҳисобланади, бунда

доминант турларнинг популятсиясини биологияси ва экологияси, уларнинг барқарорлигини янада оширишни таъминлаш ўз-ўзини тартибга солиш жараёни орқали мувозанат ҳолатини ушлаб туради, бу эса агробиоценозларнинг ишлаш хусусиятларини ўрганишларни ўз ичига олади [1].

Бугдой трипси зараркунандасига қарши самарали энтомофаглар мавжуд эмас, Шунинг учун трипслар сонини назоратда ушлаш учун самарали инсектитсидларни топиш муҳим ўрин тутди [2].

Ғалла экинлардаги зараркунанда фитофагларни сонини тартибга солишда фойдали энтомофагларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Буларга коксенеллидлар, олтинкўзлар, йиртқич куртларнинг ҳар хил турлари, кўнғизлар ва чивинлар муҳим ўрин тутди [3, 4, 5].

Олтинкўз энтомафлари далага тарқатишнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, олтинкўз тухумини далага олиб қўйиш самарали натижага эришилмайди, бунга асос қилиб тухумларнинг маълум бир қисми чимоллар томонидан ёб юбориши (инига ташиб кетиши ҳолатлари кузатилади) бу эса самарадорликни кескин тушиб кетишига сабаб бўлади [6].

Республикамиз аҳолиси озиқ-овқат жумладан, дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини четдан сотиб олмасдан туриб тўла қондириш борасида олиб борилаётган тадбирлар қаторига ғалла экинларини ҳосилдорлигини ошириш ва етиштирилаётган ҳосилни зараркунандалардан химоя қилиш тадбири муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ғалла экинларини зараркунандалардан, хусусан бугдой трипсидан химоя қилиш асосан кимёвий воситалар-пестицидлардан фойдаланишга асосланган. Кимёвий химоя қилиш усули бир қатор авфзалликларга эга бўлиши билан бирга айрим камчиликларга ҳам эга. Жумладан, дон экинлари агробиоценозининг биологик турғунликни издан чиқариш, далалардаги табиий энтомофаглар, чанглатувчи ҳашаротлар ва бошқа, дон экинлари энтомофаунасидаги иккиламчи

аҳамиятга эга бўғимоёқли жонзотларни қирилиб кетишига сабабчи бўлади.

Бугдой трипсига – *Haplothrips tritici* Kurd қарши атроф-муҳит учун безарар бўлган, ҳозирги кунда республикаимиз пахтачилигида бир қатор кенг миқёсларда қўлланиб келинаётган, биологик ҳимоя чорасини ўрганиш, шу кураш доирасида зараркунандаларга қарши биологическийларда кўплаб урчитилаётган олтинкўз (*Chrysopa carnea* Steph.) энтомофагини қўллаш имкониятларини ўрганиш мақсадида 2020-2022 йилларда Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани “Омонкул Шерзод даласи” фермер хўжалиги далаларида маҳсус тажрибалар олиб борилди.

Кузатувларимиз ва адабиётлардаги маълумотларга кўра бугдойзор ва ўриндош экинлар агроценозларида *Chrysopidae* оиласи вакилларида *Chrysopa carnea* Steph., *Chrysopa abbreviate* Curt., Wesm., *Chrysopa albolineata* L., *Chrysopa vettata* W. *Chrysopa septempunctata* турлари учраши маълум бўлди. Биологик самарадорлиги юқори ва самарали энтомофаг оддий олтинкўз – *Chrysopa carnea* Steph. турини тажрибамизда синаб кўрилди.

Олтинкўз энтомофагини бугдой трипсига 1:5, 1:10 ҳамда 1:15 нисбатларда қўлланилди. Энтомофагни қўллашдан сўнг 3; 7; 14; кунлари ҳисоб назоратлари ўтказилди.

жадвал

Олтинкўз кушандасининг бугдой трипсига қарши биологик самарадорлиги
(Самарқанд вилояти, Пастдаргом туманидаги “Омонкул Шерзод даласи”
фермер хўжалигида 2020-2022 йй.)

Ҳашаротлар нисбати	1 та поядаги ўртача зараркунанда сони, дона				Биологик самарадорлиги, %, кунлар бўйича		
	Тажриба ўтказиш олдидан	Тажриба қўйилган санадан кейинги кунларда					
		3	7	14	3	7	14
Олтинкўз личинкаси 1:5	35,2	25,3	18,4	11,1	41,1	62,4	81,0
Олтинкўз личинкаси 1:10	31,5	27,7	21,1	12,8	28,0	51,9	75,6

Олтинкўз личинкаси 1:15	33,6	30,1	24,3	16,2	26,6	48,0	74,6
Назорат	29,8	36,4	41,5	49,7	-	-	-

Олиб борилган илмий изланишларимиздан маълум бўлдики, буғдой трипсига қарши олтинкўзни 1:5 нисбатда қўлланилганда 7 чи куни 62,4 фоиз самарадорликка эришилган бўлса, 14 чи куни -81,0% самара олинди. Буғдой трипсига қарши олтинкўз личинкасини 1:10 нисбатда тарқатилганда барча қайтариқларда яхши самара олинди, 14-куни биологик самарадорлик 75,6% га етганлиги тасдиқланди. Олтинкўзни буғдой трипсига қарши 1:15 нисбатда қўйилган вариантда самарадорлик бир оз камроқ бўлиб, бу кўрсаткич 7 чи куни 48,0% , 14 чи куни эса 74,6% биологик самарадорлик олинди.

Демак, буғдой трипсига қарши оддий олтинкўзни 1:5 нисбатда қўллаш орқали маълум миқдорда биологик самарадорликка (81,0) эришиш мумкин бўлар экан. Ушбу тадбирни буғдой далаларида буғдой трипсини дастлабки пайдо бўлиши, экинни зарарлаш бошланиши даврида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Зеро, буғдой трипси ёки буғдойнинг бошқа зараркунандалари оммавий кўпайиш даврида (ёки уларнинг миқдори ИЗММ дан ортиб кетганда) биологик кимёвий ҳимоя чораларига мурожаат этиш зарурати юзага келади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. В.Г.Коваленков Биосенотис апроач то манагинг тхе пхйтосанитарй стате оф агроесосйстемс - оур приоритй // Планта протестион анд куарантине. – Моссow, 2018. - Но. 11. – П. 3-8.
2. Замотайлов А.С. История и методология биологической защиты растений: учеб. пособие / А.С. Замотайлов, И.Б. Попов, А.И. Белый // – Краснодар: КубГАУ, 2018. – 263 с.

3. Федоренко В.П. Перспективи ентомологічних досліджень в Україні / В.П. Федоренко // Захист і карантин рослин: міжвід. темат. наук. зб. / Ін-т захисту рослин. – К., 2014. – Вип. 60. – С. 415-425.
4. Canhilal R. Econjmic threshold for the sunn pest. Eukygas ant on wheat in Southeastern Turkey / R. Canhilal, H. ElBauhssini Kutuk // J. Agr. and Urb. Entomol. – 2005. – Vol. 22. – № 3-4. – С. 111-201.
5. Synopsis of adventsve spesies of Coleoptera (Insecta) recorded from Canada Part 1: Carabidae / Klimaszewski J., Langor D., Batista R. et. al. // Pensoft Series Faunistica. – 2012. – Vol. 103. – 96 p.
6. Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари (II-нашр.). –Тошкент, 2010. –Б. 190-228.